

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 588

Фарғона шаҳри

2022 йил “21” Ноябр

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Шарқ Қурилиш Булдинг” маъсулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Эгамбердиев иккинчи томондан “Ўзбекистон тумани Қирқкетмон МФЙ ҳудудидаги 16-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” обьектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1.1 Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар кўлланилади:

Ижро хужжатлари; қурилиш майдони, вақтинчалик иншоотлар; беркитиладиган ишлар; шартнома нархини бўлиб чиқиш (ишларни бажриш ва молиялаштириш жадваллари).

2. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартномага асосан “Ўзбекистон тумани Қирқкетмон МФЙ ҳудудидаги 16-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” обьектида лойих-сметада белгиланган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Танлов комиссиясининг 2022 йил 16 ноябрь кунги, 174481-лот бўйича баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган холда жорий нархларда 923 276 203 (тўқиз юз йигирма уч миллион икки юз етмиш олти минг икки юз уч) сўмни ва обьектда ишларни бажарилиши 50 кунни ташкил этади ҳамда обьект 2023 йил “10” Январ куни фойдаланишга топширилади.

4. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни шартнома ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажаради ҳамда обьектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

5. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: -мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун обьектни ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; -ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

6. Тўловлар ва хисоб-китоблар.

6.1. Вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 276 982 860.9 (икки юз етмиш олти миллион тўқиз юз саксон икки минг саккиз юз олтмиш сўм тўқиз тийин) сўмни ташкил этади.

6.2. Жорий молиялаштириш вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажартилиб, объектнинг маҳсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% микдорида амалга оширилади. Бюджетдан маблағ ажратилмаган ҳолда, Буюртмачи тўловларни амалга оширганлиги учун мулкий жавобгар бўлмайди.

7.Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакили-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддати устидан техник назоратни амалга оширади.

8.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ва ҳукумат қарори қабул қилиниши натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

9.Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

9.2 Пудратчи:-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-ложиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг ложиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

-объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.3. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектини қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.4. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишинни давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда аниқланган камчиликлар оқибатида етказилган зарар суд орқали Пудратчидан ундириб олинади ва Пудратчи белгиланган тартибда “Инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестри”га киритилиб, келгусида тендер ва танлов савдоларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

9.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судларга мурожаат қилишини истисно этмайди.

10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объектнинг маҳсус ҳисоб рақамига маблаглар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар

бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок пеняниңг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод қилмайди.

10.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни кабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқукига эга.

10.5 Вилоят ҳокимининг объектга маблаг ажратилиши юзасидан фармойиши кечиканлиги учун объектнинг маҳсус хисоб ракамларига вилоят молия бошқармасидан маблаг келиб тушмаганлиги учун буюртмачи тўловларни амалга оширолмаганда пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низоли масалалар конун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманларо иктисадий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди ва шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

«Шарқ Курилиш Булдинг» маъсулияти
чекланган жамияти
Манзил: Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси
37/39
x/p:20208000800942797001

Банк номи: “Туронбанк” Фарғона БХМ
Тел: 91-662-99-96

МФО: 00446 СТИР: 305847373



А.Эгамбердиев

“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»
Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 уй
Тел./факс: 224-52-24
ш/fx: 401722860302302307092100018040
СТИР: 204 816 336
ОҚЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Газначилик бошқармаси
ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг
СТИР: 204 122 919

Рахбар: А.Долимов



Хуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсультант _____ М.М.Маматкулов




ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ УЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ХАЛК ТАЛЬМИ БУЛИМИ ТАСАРРУФИДАГИ 16-МАКТАБ БИНОСИННИ ЖОРИЙ ТАМРИРЛАШ

Наименование	Стоимость работ по договору	2022 год	
		Ноябрь	Декабрь
1 ОБЩЕСТРОИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ	923176,203	461588,101	461588,201
ИТОГО:	923176,203	461588,101	461588,201



ЗАКАЗЧИК:



НОПРЯДЧИК: